



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилоят худудий бошқармаси
бошлиғи
Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 октябр кунги 495-сонли хатингиз асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408-сонли карори ижросини таъминлаш мақсадида, Қувасой шаҳар Пакана МФЙ худудида яшовчи 1800 нафар ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида куйидагиларни бажарилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув бўйича

Қувасой шаҳар Пакана МФЙ ахолисини бир кунлик сув сарфи 180 м³ хисобланиб, уланиш нуқтаси: ГРЕС сув иншоотига 2 дона 1 босқич ЭЦВ-12-255-35 ва 2 дона замонавий иккинчи босқич (WILO) сув насоси ўрнатиш, **Исфайрамсой МФЙ коллеж олдидаги** босими 0,5 ATM, материали полиэтилен, чукурлиги 1,2 Д-300 ммли ичимлик сув тармоғидан лойиха асосида 2,0 км Д-225 ммли ҳамда 6,0 км Д-110 ммли ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошка мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хulosса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиша тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиши ва давлат экспертиза хulosалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ Қувасой шаҳар бўлими бош мухандиси билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул килинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Қувасой шаҳар бўлими бошлиғи:

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Қувасой шаҳар бўлими бош мухандиси:

Баж:ИЧБ
А.Ходижулаев

А.Абдубоқиев

Н.Шайипов